SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/2 (3) - 2023

# ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

# ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/B1342V3SI2Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

## *№ S/2 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Special Issue

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

**Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ


**Рахманова Мавлуда Эркин қизи**
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ........ 9-16

**Икромжонов Акмалжон Махмуджонович**
ФАХРУДДИН ЎЗЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ ........ 17-25

**Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли**
ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН ........ 26-34

**Хамидова Дилфуза Улуғбек қизи**
НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА ........ 34-41

**Nagʻashboyev Qazbek Bozorboy uli**
SULTON RAXMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI ........ 42-49

**Махмудов Махмуд Авазович**
ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАШУВИ ........ 50-58

**Mamatov Bektosh Tolibjon o`gʻli**
YALANGTO`SH BAHODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR ........ 59-66


### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ


**Muminova Elnoraxon Abdukarimovna**
“YASHIL” IQTISODIYOTGA OʻTISHNING XORIJIY TAJRIBALARI ........ 66-75

**Файзуллоев Мирсаид Шухратович**
СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ ........ 76-85

**Кахарова Нилуфар Эркинжоновна**
OKR МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҚИДА ТУШУНЧА, МАҚСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР ........ 86-91

**Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич**
СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ........ 92-99

**Raxmonov Mirvoxid Rajabovich**
HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH ........ 100-107

**Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич**
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ........ 108-115

**Тоштемиров Шоҳруҳ Тошпўлатович**
ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ ........ 116-120

**Насимов Равшанжон Азимович**
МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ........121-130

**Nabieva Nilufar Muratovna**
MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY........131-139

**Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович**
КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ ........140-148

**Hoshimov Jahongir Ravshanbek o‘g‘li**
TO‘G‘RIDAN – TO‘G‘RI XORIJIY INVESTITISIYALARNI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH........149-155

**Yusupov Farruxbek Farxodovich**
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SOLIQ MA’MURCHILIGIDA SOLIQ TO‘LOVCHILARGA XIZMAT KO‘RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO‘LLARI........156-162

**Kunduzova Kumrixon Ibragimovna**
KICHIK BIZNES KORXONALARIDA MOLIYAVIY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSIYATLARI........163-172

**Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи**
ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ ........173-179

**Насимджанов Юнусжон Зохидович**
МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИҒИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........180-187

**09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

**Ҳакимов Акмалжон Мирзағаниевич**
ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ ........188-192

**Холмирзаев Нодиржон Низомжонович**
УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ........193-198

**Boboqulov Abror Abdug‘ani o‘g‘li**
“OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT” TIL MODELINING FALSAFIY TAHLILI ........199-204

**Ялгашев Бунёд Махмудович**
САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИГ ЯШАШ ТАРЗИ ........205-213

**Safarov Maqsudali**
ABU BAKR AR-ROZIYNING “TIBBI RUHONIY” (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G‘AZABNI VA INSONNING O‘Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR ........214-219

**Сохибова Лола Жонибоевна**
ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ ........220-224

**Адашова Махсума Махмудбоевна**
ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА ........ 225-231

**Mukhammediyarova Akhmaral**
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM ........ 232-239

## 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

**Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon**
FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO'LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY MA'NOLARI ........ 240-245

**Surmilova Elena**
GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING ........ 246-252

**Олимова Дилафрузхон Бахтиёржон қизи**
ТИЛШУНОСЛИКДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ........ 253-257

**Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna**
XITOY TILI GRAMMATIKASIDAGI "NATIJA TO'LIQLOVCHISI (结果补语)" ........ 258-262

**Azzamov Yusufjon Radjaboy o'g'li, Jo'rayeva Xayriniso Shavkat qizi**
EKOJURNALISTIKANING QO'LLANILISH KATEGORIYALARI ........ 263-268

**Fillipova Olga Igorevna**
CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY ........ 269-278

**Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi**
LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD "MURDER" ........ 279-285

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

**Ильясов Баходир Ильясович**
ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO'RSATISHNING TASHKILIY-HUQUQIY MEXANIZMI VA UNING RIVOJLANISH YO'LLARI ........ 286-293

**Чориева Хуршидабону Хуррам қизи**
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ ........ 294-299

**Хаётов Анвар Хусанович**
ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ ........ 300-307

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

**Журабекова Хабиба Мадаминовна**
РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ........ 308-315

**Tursunova Aziza Xoshimovna**
WEB TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR YARATISH USULLARI ........................................................................ 316-321

**Oblanazarov Faxriddin Asadovich**
FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN-QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH ........................................................................ 322-329

**Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna**
IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING O'RNI ........................................................................ 330-335

**Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li**
MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI ....... 336-342

**Jurayev Bobomurod Tojiyevich**
SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI ............ 343-350

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/2 (3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*08.00.00-Иқтисодиёт фанлари*

**Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Мустақил изланувчи

## КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада Covid 19 пандемияси жахон мамлакатлар иқтисодиёти, ижтимоий ва сиёсий хаётига ўзининг мислсиз салбий таъсирини кўрсатди, хусусан жахонда иқтисодиётнинг саноат ва бизнес сектори айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғи энг кўп зарар кўрган тармоқ эканлиги таъкидланмокда. Шунга қарамай пандемия даврида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имкони борича сақлаб қолиш, уларни инқирозли даврдан минимал зарар билан чиқишлари учун бир қанча енгилликлар ва имтиёзлар берилди. Мазкур мақолада пандемия даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи инфратузилмаларнинг асосий йўналишлари ва шу йиллардаги амалга оширилган ишларни давом этмоқда. Чунки бу солиқ корхоналарнинг солиқ солиш мақсадида ижобий фаолият натижасидан бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, бюджет сиёсати, фойда солиғи, бюджет, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

**Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович**
Ташкентский государственный экономический
университет независимый искатель

## ТЕКСТ НАУЧНОЙ РАБОТЫ НА ТЕМУ ВОПРОСЫ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО И СРЕДНЕГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА ПРИ РАЗВИТИИ ИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УСЛОВИЯХ КРИЗИСА COVID-19

**Аннотация.** В статье пандемия Covid 19 показала свое беспрецедентное негативное влияние на экономику, общественно-политическую жизнь стран мира, в частности, отмечается, что промышленно-предпринимательский сектор мировой экономики, особенно малый бизнес и частное предпринимательство , является наиболее пострадавшим сектором. Несмотря на это, в период пандемии был предоставлен ряд послаблений и льгот, чтобы максимально спасти малый бизнес и субъекты частного предпринимательства в нашей стране, вывести их из кризисного периода с минимальным ущербом. В данной статье продолжены основные направления инфраструктур поддержки развития малого бизнеса и частного предпринимательства в период пандемии и работа, проведенная за эти годы. В связи с этим разработаны выводы и предложения по налогообложению предприятий по положительным результатам их деятельности.

**Ключевые слова:** налог, бюджетная политика, налог на прибыль, бюджет, налоговое администрирование, хозяйствующие субъекты, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка.

**Otamurodov Nuriddin Nazhmiddinovich**
Tashkent State Economic
university independent seeker

# ISSUES OF TAXATION OF SMALL AND MEDIUM-SIZED BUSINESSES IN THE DEVELOPMENT OF THEIR ACTIVITIES IN THE CONTEXT OF THE COVID-19 CRISIS

**Abstract.** In the article, the Covid 19 pandemic showed its unprecedented negative impact on the economy, social and political life of the countries of the world, in particular, it is noted that the industrial and business sector of the world economy, especially small business and private entrepreneurship, is the most affected sector. Despite this, during the pandemic, a number of indulgences and benefits were provided in order to save small businesses and private entrepreneurship entities in our country as much as possible, to bring them out of the crisis period with minimal damage. This article continues the main directions of infrastructures to support the development of small businesses and private entrepreneurship during the pandemic and the work carried out over the ears. In this regard, conclusions and proposals have been developed on the taxation of enterprises based on the positive results of their activities.

**Keywords:** tax, budget policy, income tax, budget, tax administration, business entities, tax reporting, tax revenues, tax incentives, tax rate.

**DOI:** https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N17

## Кириш

Маълумки, хар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини ва ахоли бандлигини таъминловчи асосий бўғин бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўғинидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида давлат томонидан мунтазам қўллаб-қувватланади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, пандемия даврида бу қўллабқувватлов ва тадбиркорлик субъектларига бўлган алоҳида эътибор аввало миллий иқтисодиётимизни кучайишига, тадбиркорларимизни кўпайишига, шу билан бирга миллий ғазнамизни ошишига, янги иш ўринларини очилишига катта таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётимизда рўй бераётган турли ижобий ўзгаришлар кўп жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Жамиятимизнинг иқтисодий негизи бозор иқтисодиётига асосланган. Юкоридагиларни инобатга олган холда давлатимиз ғазнасини кўпайтириш учун кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишига сармоялар ажратиб бормоқда ва бу кундан кунга амалда фойда келтирмоқда, буларга давлатимиз томонидан ажратилаётган субсидиялар, имтиёзлар, солиқ имтиёзлари, бундан ташқари тадбиркорликни ривожлантиришга бевосита таъсир қилувчи инфратузилмаларни электронлаштиришни мисол келтиришимиз мумкин.

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Соҳа олимлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи ва туртки берувчи инфратузилмалар бўйича турлича тариф бериб ўтишган.

Хусусан АҚШ иқтисод фанлари фалсафа доктори Phd профессор Женнифер Л. Вуллей таҳлил қилишича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлатга нафақат иқтисодий балки ижтимоий таъсир кўрсатади, бундан факатгина давлат эмас балки

жамият хам манфаатдор деб келтириб ўтади. Бундан ташқари Женнифер Л. Вуллей давлат ва хусусий ташкилотларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишни инфратузилмалар орқали барқарорлаштиришни ўрганиш, таҳлил қилиш доимий тадқиқотлар олиб бориш ва амалда қўллаш бўйича катта қизикишларга сабаб бўлишини иқтисодий ифодалаган.[1]

Россиялик олим иқтисод фанлари номзоди М.Е.Косов инфратузилмаларни кичик бизнесга ёрдам бериш мақсади бўлган ташкилотлар деб санаб ўтади хамда инфратузилма муаммоларини ўрганишнинг иккита асосий ёндашувларини келтиради:

а)ижтимоий меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш нуқтаи назаридан инфратузилмани таҳлил қилишни ўз ичига олади .

б)иқтисодий амалиёт нуқтаи назаридан давлатнинг ролини ошириш зарурати инфратузилмани ривожлантиришни тартибга солиш.[2]

Россиялик олимлар Алтынникова Л.А., Голайдо И.М., Кузнецова И.В ларнинг фикрича инфратузилмалар самарадорлигини ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъктларини инфратузилмалар билан тескари алоқа йўналишларини ишлаб чикишдир.[3]

Айтиб ўтиш керакки бу йўналишда тадқиқот олиб борган олимларимиз соҳани атрофлича ўрганишган, мисол учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги С.Гуломовнинг умумий таҳрири остида чиқарилган ўқув қўлланмада кичик бизнесда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарурий ташкилий инфратузилма ташкил этиш, босқичма босқич бозор иқтисодиётига ўтишда бозор инфратузилмасини яратиш, миллий инфратузилмани сақлаб қолиш маълумотлари келтирилган. [4]

Олимларимиз Б.Ю. Ходиев, М.С. Косимова, А.Н. Самадовлар кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантирувчи бозор инфратузилмалар бўйича асосий маълумотларни ёритишган. Бунда инфратузилма асосий бўғинлари бўлган банкларни роли, солиқ ва солиққа тортиш сиёсати, имтиёзлар берилганлиги, аудиторлик хизматлари ўтказиш ҳамда ахборот билан таъминлаш вазифалари тўғрисида маълумотлар берилган. [5]

Бундан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, кичик бизнес ва хусусий бизнеснинг ривожлантиришда инфратузилмалар муҳитини бизнес субъетларига мослаштириб бориш, уларни ривожлантиришни доимий тарзда қўллаб қувватлаш бу соҳада доимий тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади. Тадқиқот методологияси Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур мақолада муаллифлар томонидан бир қатор илмий методлар, хусусан, тизимли таҳлил, таққослаш ва муҳокама каби методлардан фойдаланилган. Якунда тўлдирувчанлик тамойили асосида методологик ёндашув ёрдамида хулоса ва таклифлар баён этилган.

**Таҳлил ва натижалар**

Малумки, бутун дунёни ларзага келтирган тождор вирус инфекцияси тарқалиши барча мамлакатлар иқтисодий ижтимоий ҳаётини инқироз ҳолатига келтириб қўйди. Хусусан, йирик иқтисодий салоҳиятга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқишига, халқаро молия бозорларида хом ашё товарлар нархларининг кескин пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувига сабаб бўлди.

Ушбу инқироз, мамлакатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Балки, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсирини кўрсатиб, иқтисодиёти устувор йўналишлари бўлган саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва савдо тармоқларида ишлаб чиқариш ва хизматлар суратларини кескин камайиши, товарлар айланмасининг секинлашуви ва бюджет тушумларининг пасайишига олиб келди.

Республикамиз Президенти ва Ҳукумати томонидан мазкур муаммоларни зудлик билан ҳал этиш, глобал инқирознинг салбий ҳолатлари таъсирини юмшатиш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ҳисобланган туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик саноати, қишлоқ зўжалиги каби республика иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга бир қатор тадбирлар белгиланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли;

2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли;

2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида асосий даромад манбаларини йўқотган шахсларни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ва тадбиркорлик субъектларини қўшимча қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5986-сонли;

2020 йил 18 майдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6002-сонли

2020 йил 20 июлдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6029-сонли;

2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6035-сонли;

2020 йил июлдаги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6038-сонли фармонлари;

2020 йил 1 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 4700 сонли;

2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли қарорлари билан инқироз даврида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини

таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар даромадларини барқарорлаштириш тадбирлари белгиланди.

Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли фармони билан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 трлн. сўм миқдоридаги “Инқирозга қарши курашиш жамғармаси” ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар жамғарманинг асосий даромадлари этиб белгиланди.

кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафиллик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш;

республика ҳудудларида иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, кичик саноат зоналарида муҳандислик коммуникацияларини қуриш;

в) аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, шу жумладан қуйидагилар учун қўшимча маблағлар ажратиш:

кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чораларни кучайтириш ва нафақа олувчилар сонини ошириш, шу жумладан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши орқали;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига жамоат ишларини кенгайтириш, «Ишга марҳамат» мономарказларини ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил қилиш, шунингдек, меҳнат мигрантларини касбга ва тилга ўргатишни ташкиллаштириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш;

г) қуйидагилар орқали иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш:

Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш;

коронавирус инфекцияси тарқалишининг салбий таъсирига энг кўп учрайдиган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини, шунингдек, кредит портфели сифати ёмонлашган ҳолларда тижорат банкларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чораларини тақдим этиш;

уч йилгача бўлган муддатга, фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали солиқ тўлаш муддатлари бўйича кечиктириш тақдим этилиши ҳамда тадбиркорлик фаоллигининг сустлашиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида олинмай қолинадиган даромадлар ўрнини тўлдириш.

Фармон билан, “Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси” ташкил этилиб, тегишлилигича, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бошчилик қиладиган Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг ҳудудий штаблари ташкил қилиниб, қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгиланди;

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича юзага келадиган муаммоли масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

барча даражадаги раҳбарларнинг идоравий мансуб ташкилотларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг юзага келган муаммо ва қийинчиликларни ҳал этиш мақсадида қилган мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилиб, расмиятчилик, сансалорлик ва бюрократияга йўл қўйилмаслик юзасидан шахсий жавобгарликни ошириш масалалари белгиланди.

Шунингдек, мазкур фармон билан коронавирус инфекциясининг салбий таъсирига учраган иқтисодиёт айрим тармоқлари ва соҳаларини, хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ соҳасида бир қатор имтиёзлар ва қулайликлар яратилди.

Юқорида кўрсатилган солиқларни тўлаш бўйича фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) соддалаштирилган асосда 2020 йилнинг 31 декабрига қадар солиқ тўловчининг аризаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлигининг худудий бўлинмалари раҳбарларининг хулосаларига биноан, бошқа хужжатларни талаб қилмаган холда кўпи билан 6 ой муддатга берилади.

Пандемия даврида тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни янги босқичига олиб чиқиш, тадбиркорлар учун янги имкониятларни очиш ва бу тизимдаги ўзгаришлар асосини ва жадал суръатларда ривожланиш тенденциясиларига турткi берувчи инфратузилмаларнинг салоҳиятини ошириш жуда муҳим ҳисобланади.

Ташкилий ривожланишнинг таҳлили шуни кўрсатдики, пандемия даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муаммоларини хал қилиш шарти давлат, вилоят ва ҳудуд миқёсидаги инфратузилмаларни бир тизимда, синхрон тарзда ишлашига қаратилган.

2017 – 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси учинчи йўналишида “макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш” каби чора-тадбирлар белгиланган.[6]

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Жаҳон банкининг “ Доинг Бусинесс ” 2020-янги ҳар йиллик ҳисоботиди Ўзбекистон 7-ўрин юқорига кўтарилиб, дунёнинг 190-мамлакати орасида 69-ўринни эгаллади. Бу бизнинг мамлакатимизга ишбилармонлик муҳитини яхшилашда энг катта ютуқларга эришган

20-та мамлакат қаторига кириш имконини берди. Шунингдек, “Иқтисодий эркинлик индекси” рейтингида Ўзбекистон 26-поғонага кўтарилиб, 2020-йилда 114-ўринни, “Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси” 2020-йилги рейтинг натижаларига кўра 152-давлат орасида 92-ўринни эгаллади.

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, фаровон турмушини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан биридир. [7].

Ўзбекистон Республикасининг 2012-йил 2-майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сонли Қонунига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир - деб таъриф берилган.

Ўрганишлар кўрсатмоқдаки, «бизнес» ва «тадбиркорлик» тушунчалари хусусида иқтисодчи олимлар томонидан турли фикр ва ёндашувлар билдирилган бўлиб, ягона таърифга келинмаган. Ушбу тушунчалар синоним сўзларидек қаралади.

**“Бизнес”**- сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда, кишиларни фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир.[8].

Юридик шахс ташкил этмасдан хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011-йил 7-январдаги “Якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан, жисмоний шахслар 2011-йил 1-апрелдан бошлаб қарор билан тасдиқланган рўйхатга киритилмаган фаолият турларини амалга ошириши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган 87-та фаолият турлари рўйхати киритилган (илова-1).

Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси 2 та (умумий ва махсус) қисм, 21 бўлим, 72 боб ва 483 та моддадан иборатдир. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш бўйича қуйидаги тартиблар белгиланди:

-кичик тадбиркорлик субъектлари товар айланмаси ҳажмидан келиб чиқиб, аввалги ягона солиқ тўлови ўрнига айланмадан олинадиган солиқ жорий этилди. Бунда, жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган юридик шахслар ва даромади 100 млн. сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси бўлиши белгиланди

-2020-йилнинг 1-июлидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳосил бўлган ортиқча суммани, яъни “манфий” қолдиқ суммасини тўлиқлигича қайтариш тартиби жорий этилди;

-жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг асосий ставкаси 12 фоиз ва ҚҚС ставкаси 15 фоиз этиб белгиланди;

-солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этишнинг янги тартиби жорий этилди;

-хўжалик субъектларини хавфлилик даражасига 42 та мезонлар асосида таҳлика-таҳлил (Риск-анализ) дастури ёрдамида 3 та сегментга (яшил, сариқ ва қизил йўлакларга) ажратиш ҳамда камчиликлар аниқланган тақдирда, солиқ назоратининг янги камерал текширув, сайёр текширув ва солиқ аудити ўтказиш тартиби жорий этилди;

-якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган солиқ суммаси ўртача 30 фоизга камайтирилиб, уларга солиқларни тўлаш бўйича танлаш ҳуқуқи берилди. Хусусан, улар солиқни қатъий белгиланган миқдорларда тўлаши ёхуд жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида декларация асосида тўлаш имконияти берилди;

-ижтимоий солиқ ставкаси давлат корхоналарига, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга, шунингдек устав фондида 50 ёки ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган юридик шахсларга ва уларнинг таркибий бўлинмаларига нисбатан 25 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди;

-ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш жорий этилди ва Солиқ кодексида ҳам ҳисобварақ-фактуралар қоида тариқасида электрон шаклда бўлиши белгиланди ва бошқалар.

Республикада шаклланган солиқ сиёсати "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли борилмоқда".[9]. деган принцип асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим рол ўйнайди ҳамда республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шуни эътироф этиш жоизки, иқтисодий дастаклардан бири бўлган солиқ механизми орқали уларнининг фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

**Хулоса ва таклифлар**

- Корхоналарнинг инновацион фаоллигини ошириш учун илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари учун харажатларнинг миқдорига нисбатан фойда солиғидан қўшимча чегирмалар тарзидаги имтиёз бериш тартибини жорий қилиш;

- Интеллектуал мол-мулклардан олинган даромадлар учун патент бох режимини жорий этиш лозим. Бунда, интеллектуал мулк объектларининг бир қисми бўлган ўз патентларини, лицензияларни, ноу-хау ва бошқа моддий бўлмаган обектларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш натижасида олинган фойдани солиққа тортишда фойда солиғининг пасайтирилган ставкаси жорий қилиниши мақсадга мувофиқ.

## Адабиётлар/Литература/References:


1. Oʻzbekiston Respublikasi Soliq kodeksi- Toshkent: Gʻafur Gʻulom nashriyot uyi 2020.-640b.
2. Normurzaev U. Tadbirkorlarni qoʻllab-quvvatlashda soliq imtiyozlarini berish orqali samarali usullardan foydalanish yoʻllari //Ekonomika i obrazovanie. – 2021. – №. 3. – S. 91-95.
3. Normurzaev U. K. Amendments and additions to the tax code of the republic of uzbekistan on tax privileges in 2021. – 2021
4. Косов М.Е."Формирование инфраструктуры малого предпринимательства как

необходимое условие его развития" // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2009. Т. 5. No 4 (37). С. 67–71.Я

5. Алтынникова Л.А., Голайдо И.М., Кузнецова И.В. "Формирование инфраструктуры малого бизнеса" Economics/29998.doc.htm
6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги С. Ғуломов умумий таҳрири остида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Т., " Fan va texnologiya" нашриёти, 2005 й., 444 б. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali 159 http://iqtisodiyot.tsue.uz
7. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.
8. Ходжаев Р.С., А.Эгамбердиев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. ТМИ. Ўқув қўлланма. Т.: "IQTISOD - MOLIYA",2008.
9. Самадов А.Н., Останақулова Г.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. - Т.: Молияиқтисод, 2008.
10. М.Р. Болтабоев, М.С.Қосимова Кичик бизнес ва тадбиркорлик – Т.: NOSHIR, 2011. тадбиркорлик 2017-2020 статистик тўплам.Тошкент 2021 йил.
11. Зимин В. А. Малое предпринимательство в регионе: состояние и
12. перспективы. Самара, 2020. 180 с.
13. Тимофеев А. В. Основные функции, цели и задачи инфраструктурного обеспечения предпринимательской деятельности // Вестник Омского ниверситета. 2012. № 1. С. 376–378.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони
15. Мирзиёев Ш.М. " Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир" – Тошкент.: Халқ соъзи газетаси, 2017, 8 январ.
16. Райзберг Б.А. Современный економичекий словар.-М.: ИНФРА-М, 1997,.-496 стр.
17. Мирзиёев Ш.М. "Еркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз". Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сҳзи, 2016 йил 15 декабр.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)

**Сайт:** https://scienceproblems.uz

**DOI:** 10.47390/B1342V3SI2Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3) – 2023

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Special Issue

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).